



ORGANIC CONNECTION OF EDUCATION AND UPBRINGING IN HUMAN DEVELOPMENT AS A SOCIAL FACTOR

Иминов Одилжон

Андижон давлат педагогика институти

2-босқич магистранти

ABSTRACT :In the article, based on the New Uzbekistan Development Strategy and the concept of the Third Renaissance, the issue of raising a perfect generation that matches our ancestors by integrally connecting education and training in bringing a perfect person to adulthood in our country is highlighted.

KEY WORDS: global changes, Third Renaissance, science and education, education, culture, social factor, Eastern Renaissance, development strategy, institute, pedagogical staff.

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида оммавий маданиятнинг кенг тарқалиб бориши, миллий қадрият ва анъаналарга асосланган бошқарув шаклига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бундай глобал таъсирларнинг ёшлар тарбиясига, уларнинг камолотига ўзининг ижобий таъсиридан кўра кўпроқ салбий таъсир этаётганлиги, умумтаълим мактабларида фан-таълимни ўргатиш билан бир қаторда тарбия фанини ҳам узвий равишда олиб боришни тақозо этмоқда. Жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам фан-таълим, маданият ва маънавият тараққий этиб, ўсиб келаётган ёшларимизни ҳар томонлама баркамол ва комил инсон бўлиб вояга етишлари учун Президентимиз бошчилигида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мухтарам Президентимиз томонидан мустақиллигимизнинг 31 йилиги муносабати билан халқимизга йўллаган тантанали табрикларида эртанги тараққиётимиз эгаси бўлган ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда таълим ва тарбияга асосий аҳамият қаратиб, 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида 5 та устувор вазифани белгилаб берди. Ушбу устувор вазифанинг биринчиси таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, Президентимиз қуйидаги фикрларни илгари сурди: "...таълим соҳасида



фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқилади. Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамиз”[1].

Дарҳақиқат бугунги кунда давлат раҳбари бошчилигида жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ёшлари билан ҳар томонлама беллаша оладиган, ўзининг мустақил қараши ва фикрига эга бўлган салоҳиятли ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилганлиги бу борада амалга оширадиган ишларимизни янада жонлантиришни тақозо этади.

Зеро, замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, ўзининг креатив фикрлайдиган, ўз олдига мустақил режа қўйиб, ушбу режаси асосида янги инновация қила оладиган ёшларни шакллантиришда фан-таълимни ўргатишнинг ўзи етарли бўлавермайди. Чунки ёшларга таълим билан ҳамоҳанг равишда тарбияни ҳам ўргатиб борсак ўша биз орзу қилаётган баркамол авлодни яъни комил инсонни вояга етказишимиз мумкин. Бинобарин, ёшлар таълимида тарбиянинг ўрни нечоғли зарурият эканлигини ўзининг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ёзиб ўтган Абдулла Авлоний қуйидаги фикрларни илгари сурган: “....тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидур”[2]. Адиб ёшларга билим бериш билан бир қаторда, уни тарбиясига ҳам асосий эътибор қаратиб, таълим ва тарбияни узвий равишда олиб боришлик асосий зарурат эканлигига алоҳида урғу берган.

Бола тарбиясида оиланинг ўрнига тўхталиб ўтган буюк ватандошимиз Имом Ғаззолий қуйидаги фикрларни илгари суради: “Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан ҳоли бир қимматбаҳо



гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа букилса, эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунёю охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллиму устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантирилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади”[3].

Бола тарбиясида ота-оналарнинг ўрни беқиёс эканлигига тўхталиб ўтган буюк аллома Имом Ғаззолий бола қалбини гавҳарга ўхшатиб, ушбу гавҳарга катталар томонидан қандай нақш солинса, яъни тарбия берилса, ушбу тарбия унинг камолотида асосий ўрин эгаллашига алоҳида аҳамиятни қаратади. Ғаззолий тўғри таълим ва тарбия берилса у дунё охиратида ўзининг қилган ишлари билан савобга эришишига урғу бериб ўтиш билан бир қаторда, боланинг таълим ва тарбиясида эътиборсизлик қилиб, унга ёмон тарбия берилса унда ҳайвоний хислатларнинг шаклланишига асос бўлишига, унинг гуноҳи эса боланинг таълими ва тарбиясига жавобгар бўлган ота-онасининг зиммасига тушишлигига урғу бериб ўтади.

2022 йил 28 январь куни Ўзбекистон Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони [имзоланди](#). Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси 7 та йўналиш ва 100 та мақсаддан ташкил топган бўлиб, 2022 йилда стратегияни амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 55 трлн. сўм ва 11,7 млрд доллар ажратилиши кўзда тутилаётганлиги бу борадаги ишлар кўламининг нечоғли салмоқли эканлигидан далолат беради [4].

Тараққиёт стратегиясининг тўртинчи йўналиши: адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капитални ривожлантириш деб номланиб, ушбу йўналишда 33 та мақсад белгилаб олинган. Белгилаб олинган 33 та мақсаднинг қарийб 13 таси айнан таълим тизимига қаратилаётганлигининг ўзи ҳам мамлакатимизда баркамол комил инсонни тарбиялашга нечоғли эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади. Жумладан, ушбу мақсадларда мактабгача таълимдан тортиб, мактаб таълими тизимида 2022-2026 йилларда таълим ва тарбия сифатини янада ошириш борасида олиб бориладиган ишлар мақсади белгилаб олинган. Бинобарин, 41-мақсад: Мактабларни



ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида кўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратишга қаратилган бўлса, 42-мақсадда эса 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этишни назарда тутди. Мактабда таълим ва тарбияни ривожлантиришда, баркамол инсонни вояга етказишда, аввало ўқитувчиларнинг моддий шароитини яхшилаш даркор бўлади. Тараққиёт стратегиясининг 43-мақсади айнан малакали ўқитувчиларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказишни кўзда тутди. Ўз навбатида, ўқитувчи-педагогларнинг ойлик маошларини 1000 АҚШ долларига етказиш улардан баркамол комил инсонни чиқаришни талаб этади. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш 44-мақсадда ўз аксини топган. Жумладан, мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқишга алоҳида аҳамият қаратилган. Бу борада эса педагог-кадрларнинг билим савиясини халқаро талаблар даражасига олиб чиқишда халқ таълимлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириб боришни тақозо этади. Ўз навбатида педагог-кадрларни қайта тайёрлаш институтларини босқичма-босқич ислоҳ қилиш орқали кадрлар салоҳиятини ошириб боришга эришиш мумкин.

Педагог кадрларнинг малакасини ошириб бориш билан бир қаторда, ўқувчиларнинг ҳам жисмонан соғлом бўлишлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, экологик иқлим ўзгаришларининг кучайиб бориши Оролбўйида яшовчи аҳолининг соғлигига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Оролбўйи ҳудудларида экологик мувозанатни сақлаш билан бир қаторда, минтақада бошланғич синф ўқувчиларни бепул иссиқ овқат билан таъминлаш ҳам 45-мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини босқичма-босқич бепул овқат билан таъминлашнинг назарда тутилганлиги, 2022-2026 йилларда мактаб таълимини янада ривожлантириш асосий эътиборда эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда комил инсонни вояга етказишда таълим билан бир қаторда тарбия фани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таълимда тарбиянинг ўрнига алоҳида эътиборни қаратиш бугуннинг асосий фаолиятига айланиб келмоқда.



Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари ёшлари билан беллаша оладиган илмми ёшларни камолотга етказишда таълим ва тарбиянинг ўрни беқиёс аҳамиятга эгадир. Шундай экан, бугун замонавий компьютер технологиялари ижтимоий ҳаётимизнинг баржа жабҳаларига кириб келишлиги, таълим соҳасининг ривожда асосий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Зеро, оммавий маданиятнинг чегара билмас хавфга айланиб бораётганлиги, ёшлар тарбиясига ўзининг ижобий таъсиридан кўра салбий таъсирини кўпроқ намоён этиб келмоқда.

Бинобарин, инсон камолотида таълим билан бир қаторда тарбия фанини ўрта мактабларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб ўргатиб борилса, ёшлар таълим ва тарбиясига таъсир этаётган оммавий маданиятнинг ахлоқсизликларга йўғирилган таъсиридан сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимда нутқи // <https://daryo.uz/k/2022/09/01/shavkat-mirziyoyevning-ozbekiston-mustaqilligining-31-yilligiga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi/>
2. Абдулла Авлоний. Туркий гулустон ёхуд ахлоқ.-Т.: “Ўқитувчи”, 1992.-Б.15.
3. Ғузоров Ў. “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот...масаласидир” // <http://www.muslim.uz/index.php/Maqolalar/item/1984>
4. Инсон қадри, ҳалоллик стандартлари, прагматик ташқи сиёсат. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 100 мақсади// https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/31/strategiya/?utm_source=push&utm_medium=chrome